

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

АМОНОВ БАХРОМ БАХОДИРОВИЧ

**МИАСТЕНИК СИНДРОМЛИ ТИМОМА БИЛАН ОҒРИГАН
БЕМОРЛАРНИ КОМПЛЕКС ХИРУРГИК ДАВОЛАШ ВА
ПЕРИОПЕРАТИВ ОЛИБ БОРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.27 – Хирургия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Амонов Бахром Баходирович

Миастеник синдромли тимома билан оғриган беморларни комплекс хирургик даволаш ва периператив олиб боришни такомиллаштириш...

3

Амонов Бахром Баходирович

Совершенствование комплексного хирургического лечения и периперативного ведения больных с тимомой с миастеническим синдромом.....

21

Amonov Bakhrom Bakhodirovich

Improvement of complex surgical treatment and perio-operative management of patients with thymoma and myastenic syndrome.....

39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....

43

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

АМОНОВ БАХРОМ БАХОДИРОВИЧ

**МИАСТЕНИК СИНДРОМЛИ ТИМОМА БИЛАН ОҒРИГАН
БЕМОРЛАРНИ КОМПЛЕКС ХИРУРГИК ДАВОЛАШ ВА
ПЕРИОПЕРАТИВ ОЛИБ БОРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.27 – Хирургия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2018.1.PhD/Tib510 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.rscs.uz) ва «Ziynet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Худайбергенов Шухрат Нурматович тиббиёт фанлари доктори
Расмий оппонентлар:	Беркинов Улугбек Базарбаевич тиббиёт фанлари доктори, профессор Юсупбеков Аброрбек Ахмаджонович тиббиёт фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Краснодар ўлкаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги “Профессор. С.В. Очаповский номидаги 1-сон ўлка клиник шифохонаси - илмий тадқиқот институти” ДССБМ (Россия Федерацияси)

Диссертация ҳимояси академик В.Воҳидов номидаги республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.04/30.12.2019.Tib.49.01 рақамли Илмий Кенгашнинг 2022 йил “_____” _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100115, Тошкент шаҳри, Кичик халқа йўли кўчаси, 10. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42; e-mail: cs.75@mail.ru, Академик В.Воҳидов номидаги республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази).

Диссертация билан академик В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида (133-сон билан рўйхатдан ўтган) танишиш мумкин. Манзил: 100115, Тошкент ш, Кичик халқа йўли, 10. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42.

Диссертация автореферати 2022 йил “_____” _____ куни тарқатилди.
(2022 йил “_____” _____ даги _____ рақамли тарқатиш баённомаси реестри)

Ф.Г. Назиров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор,
академик

А.Х. Бабаджанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Р.А. Ибадов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг 2020 йилги маълумотларига кўра, “айрисимон без ўсмаси (тимомалар ва тимус саратони) кам учровчи касаллик бўлиб, кўкс оралиғи ўсмаларига киради ҳамда онкологик касалликлар таркибида учраш частотаси 1 фоиздан юқори эмас. Ўз навбатида, олдинги кўкс оралиғи барча ҳосилалари орасида тимомаларнинг улуши 50 фоизгача ҳолатларни ташкил қилади”¹. Тимома зўрайишининг турли хил клиник-патогенетик вариантлари орасида касаллик кечишининг оғирлиги ва оптимал даволаш тактикасини танлаш нуқтаи назаридан энг мураккаби тимома фониди миастеник синдромнинг ривожланиши ҳисобланади. Ушбу омилларнинг бирга учраши беморларнинг 30-50% да кузатилади. Миастения, потенциал ўлимга олиб келувчи нафас олиш фалажини юзага келтирувчи мушакларнинг кучсизлиги билан тавсифланади. “Иммуноглобулин инфузияси, плазмаферез ва иммуноадсорбцияни киритган ҳолда ўз вақтида даволаш фониди ҳам шифохонадаги ўлим 12% даражасида қолмоқда. Ўлимнинг асосий сабаби полиорган етишмовчилик билан кечадиган сепсис бўлган”². Миастеник синдромли тимомани хирургик даволашга комплекс ёндашув учун мақбул компонентларни танлаш имконияти мавжуд бўлган ягона тактик тамойилларнинг йўқлиги ушбу тадқиқотнинг долзарблигидан далолат беради.

Жаҳон амалиётида ўсма жараёнининг тарқалиш хусусиятларини, унинг метастазланиш йўллари, зарарланган аъзони ажратиш ва резекция қилиш даражасини, қўлланилган чок материаллари хусусиятларини ва бошқа сабаб-оқибат омилларини аниқлаш масалалари ўрганилмоқда. Касаллик қайталанишини олдини олиш бўйича ечимларни излаш ва ушбу тоифадаги беморларни даволаш учун дифференциал хирургик тактикани такомиллаштириш муаммолари ўрганилмоқда.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизими ривожланишининг замонавий босқичида аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам кўламини сезиларли даражада кенгайтиришга қаратилган кўплаб чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, хусусан, замонавий технологияларни жорий этиш орқали тимома билан оғриган беморларни ташхислаш ва даволаш сифатини яхшилаш борасида. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида аҳолининг кам таъминланган қатламига уларнинг тўлақонли ҳаёт кечиришларини таъминлаш мақсадида тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича вазифалар белгиланган³. Ушбу вазифаларни амалга ошириш, жумладан, тимома билан

¹ Барболина Т.Д., Бычков М.Б., Аллахвердиев А.К., Борисова Т.Н., Владимирова Л.Ю., Герасимов С.С. и соавт. Практические рекомендации по лекарственному лечению опухолей вилочковой железы (тимомы и рака тимуса). Злокачественные опухоли: Практические рекомендации RUSSCO #3s2, 2020 (том 10).35

² Neumann B, Angstwurm K, et al. Myasthenic crisis demanding mechanical ventilation: A multicenter analysis of 250 cases. *Neurology*. 2020 Jan 21;94(3):e299-e313. doi: 10.1212/WNL.0000000000008688. Epub 2019 Dec 4. Erratum in: *Neurology*. 2020 Apr 21;94(16):724. Schneider, Haucke [corrected to Schneider, Hauke].

³ Указ Президента РУз от 07.02.2017 г. N УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан». Сборник законодательных актов.

оғриган беморларни каминвазив ва хирургик даволаш тактикаларини такомиллаштириш, янги усулларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш орқали даволаш натижаларини яхшилаш долзарб йўналишлардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021-йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2018 йил 26 январдаги ПҚ-3494-сон «Шошилиш тиббий ёрдам тизимини тезкор такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқот мавзусининг Республикадаги устувор тадқиқот йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Миллий саратон институтининг эпидемиологик назорат, эпидемиология ва якуний натижалар (SEER) бўйича маълумотлар базасидаги маълумотларга кўра, тимома учрашининг стандартлаштирилган даражаси 100000 аҳолига 0,13-0,15 ташкил этади⁴. Gaur ва ҳаммуал. тимуснинг нейроэндокрин ўсмалари билан касалланиш даражаси 100000 хавф гуруҳидаги аҳолига 0,02 ташкил этишини аниқлаганлар.⁵ Siesling ва ҳаммуал. тимус эпителиал ўсмаларининг ёшга бўйича стандартлаштирилган частотаси RARECARE лойиҳасига кўра 100000 хавф гуруҳидаги аҳолига нисбатан 0,17 ни ташкил этишини кўрсатдилар. Касалланиш кўрсаткичи 65 ва ундан катта ёшдаги беморларда энг юқори бўлган. Касалланиш Шимолий ва Шарқий Европа, Буюк Британия ва Ирландияда энг паст кўрсаткичда, Марказий ва Жанубий Европа мамлакатларида эса энг юқори бўлган.⁶ Тимома билан касалланиш қора танлиларда ва осие/тинч океани ороллари аҳолисида юқори бўлган, бу генетик детерминантликни кўрсатади⁷.

Ушбу масалага илмий ва амалий қизиқиш миастеник синдром билан асоратланган тимома ҳолатларида видеоторакоскопик аралашувларнинг самарадорлиги ва истиқболлари бўйича қарама-қарши маълумотларнинг мавжудлиги, шунингдек, анъанавий аралашувларнинг ташриҳдан кейинги асоратлари билан изоҳланади. Минимал инвазив ёндашувлар юқори малакали хирурглар томонидан хавфсиз бажарилиши ва миастенияли беморлар учун афзалроқ бўлиши мумкин, чунки улар очик ташриҳлардаги асоратларни олдини олган ҳолда онкологик, неврологик ва хирургик нуқтаи назаридан мақбул

⁴ Engels EA. Epidemiology of thymoma and associated malignancies. J Thorac Oncol. 2017;5(10 Suppl 4):S260–5.

⁵ Gaur P, Leary C, Yao JC. Thymic neuroendocrine tumors: a SEER database analysis of 160 patients. Ann Surg. 2017;251:1117–21.

⁶ Siesling S Rare thoracic cancers, including peritoneum mesothelioma. Eur J Cancer. 2018;48:949–60.

⁷ Kelly RJ, Petrini I, Rajan A, Wang Y, Giaccone G. Thymic malignancies: from clinical management to targeted therapies. J Clin Oncol. 2018;29:4820–7.

натижаларни кафолатлаши мумкин. Миастенияли беморларда тимоманинг кеч босқичларида, айниқса ўпка ва магистрал қон томирларнинг кенгайтирилган резекцияларида терапевтик ёндашувни соҳалараро пухта режалаштириш зарур.⁸ Ўсманинг кичик ҳажмида ва эрта босқичларда атрофдаги қўшни аъзоларга инвазия юз бермайди ва ўсма резекцияси яхши клиник натижалар беради. Тимоманинг қўшни анатомик структураларга инвазияси ёки катта ҳажмдаги ва В2/В3 каби агрессив гистологик типли ўсма ёки тимус саратони мавжудлигида ўсмани бутун блокли резекция одатда қийин ҳисобланади ва баъзида фақат тўлиқ бўлмаган резекция амалга оширилади. Шунинг учун бундай ҳолларда мультимодал даволашни режалаштириш лозим. Бир нечта тадқиқотларда индукцион терапия сўнгра хирургик аралашув ўтказиш натижаларни яхшиланишига олиб келганлиги маълум қилинган.⁹

Адабиётлар таҳлили шуни кўрсатдики, бундай долзарб муаммони ҳал қилиш учун сўнги ўн йилликларда тўпланган клиник тажрибани ҳисобга олган ҳолда, хирургик даволаш усулларини такомиллаштиришнинг янги усуллари ишлаб чиқиш, шунингдек, тимома билан оғриган беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш зарур. Шу сабабли, эндовизуал хирургияга кўрсатмалар ва қарши кўрсатмаларни аниқлаш ҳамда ташрих вақтидаги ва кейинги асоратларни ҳар томонлама таҳлил қилиш билан ушбу тоифадаги беморларни дифференциал даволаш тактикасини ишлаб чиқиш ва клиник амалиётга жорий этиш бўйича мақсадли тадқиқотлар олиб бориш зарур.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти “Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази” давлат муассасасининг илмий-тадқиқотлар режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади миастеник синдромли тимома билан оғриган беморларни хирургик даволаш натижаларини тимэктомиянинг тактик-техник жиҳатларини такомиллаштириш орқали яхшилашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

миастеник синдромли тимома билан оғриган беморларнинг клиник хусусиятларини аниқлаш ва ташхислашнинг инструментал усуллари натижаларини баҳолаш;

миастеник синдромнинг оғирлик даражасига қараб, тимома билан оғриган беморларни ташрихдан олдинги тайёрлаш ва ташрихдан кейинги реабилитация сифатида плазмаферез самарадорлигини баҳолаш;

стернотомик кириш йўли билан бажарилган тимэктомиянинг интра- ва ташрихдан кейинги асоратлари частотаси ҳамда структурасини аниқлаш;

ўсимтанинг жойлашиши ва ўлчамларига боғлиқ ҳолда, тимэктомияда оптимал хирургик кириш йўлини танлашга дифференциал ёндашув мезонларини аниқлаш;

⁸ Comacchio GM, Marulli G, Mammana M, Natale G, Schiavon M, Rea F. Surgical Decision Making: Thymoma and Myasthenia Gravis. *Thorac Surg Clin.* 2019 May;29(2):203-213.

⁹ Huang J, Rizk NP, Travis WD, et al. Feasibility of multimodality therapy including extended resections in stage IVA thymoma. *J Thorac Cardiovasc Surg* 2017;134:1477-83.

видеоторакоскопик тимэктомиянинг роли ва ўрнини аниқлаш, уни амалга ошириш учун кўрсатмалар ва қарши кўрсатмаларни ишлаб чиқиш;

миастеник синдромли тимома билан оғриган беморларни хирургик даволаш ва ташрихдан кейинги реабилитация тактикаси алгоритмини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида “Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази” давлат муассасасининг ўпка ва кўкс оралиғи хирургияси бўлимида 1994-2019 йилларда стационар даволанган 291 нафар миастеник синдромли тимома билан касалланган беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети миастеник синдромли тимома билан оғриган беморларни консерватив ва хирургик даволаш натижаларини таҳлил қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда клиник, биокимёвий, инструментал ва статистик текширув усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилigi қуйидагилардан иборат:

миастеник синдромнинг ривожланиши, бу оғир инқирозли кечиш ва декомпенсациянинг тез ривожланиши билан кечувчи патологик жараённинг ривожланиши учун хавф омилларини етарлича баҳоламаслик эҳтимолини юзага келтирадиган ҳамда прогностик омон қолиш кўрсаткичларини сезиларли даражада камайтирадиган тимоманинг илк клиник белгиси бўлиши мумкинлиги аниқланган;

тимомани ўз вақтида текшириш ва фаол хирургик тактика инқирозли кечиш ривожланиши ва миастеник синдромнинг оғир турлари шаклланиши хавфини камайтиришга ёрдам бериши аниқланган;

миастеник инқироз бўлган беморларда ташрихдан олдинги ва кейинги даврда плазмаферез ўтказиш яллиғланиш цитокинлари ажралишини пасайишига, тизимли яллиғланишни ҳамда ҳаракат функциялари яхшиланган ҳолда холинорецепторларга антитаначалар концентрациясини камайишига олиб келиши, полиорган дисфункция синдромини бартараф этиши аниқланган;

мултислайс компьютер томографияси ўсимта ўлчамларини, ўрта чизикқа нисбатан ўсиш хусусиятини, атрофдаги аъзолар ва тўқималарга инвазия мавжудлиги ёки йўқлигини, шунингдек, инвазив ўсиш даражасини тўғри аниқлаш имконини берувчи энг информатив тадқиқот усули эканлиги исботланган;

тимэктомияда оптимал хирургик кириш йўлини танлашга дифференциал ёндашув имкониятига таъсир қилувчи ўсимтанинг жойлашуви, ўлчамлари ва ўсиш хусусиятини ҳисобга олган ҳолда патологик жараённинг ривожланиш даражасини баҳолашнинг топографик мезонларига аниқлик киритилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

плазмаферезни ташрихдан олдинги тайёргарликнинг мажбурий компоненти сифатида клиник амалиётга жорий этиш миастениянинг оғир даражаси бор беморлар сонини ва ташрихдан кейинги даврда миастеник

инқирозларни камайтириш ҳамда илгари “ташрих ўтказиб бўлмайдиган” беморларда ташрихни амалга ошириш имконини бериши аниқланган;

мультиплейс компьютер томографияси натижаларига асосланган хирургик кириш йўлини танлашга дифференциаллашган ёндашувни клиник амалиётга жорий этиш ташрих вақтидаги ва кейинги асоратлар сонини камайтириши аниқланган;

ноинвазив ўсмаларда мистеник синдромнинг оғирлик даражасидан қатъи назар тимомали беморларни комплекс хирургик даволашда видеоторакоскопик тимэктомиянинг юқори самарадорлиги исботланган;

ишлаб чиқилган даволаш-тактик алгоритм ўсимтанинг ўлчамлари, ўсиш ва инвазия хусусиятига боғлиқ ҳолда даволашнинг оптимал хирургик тактикасини аниқлашга, миастеник синдромнинг оғирлик даражасини камайтиришга ва яхши натижалар улушини икки баробар оширишга имкон бериши аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Олинган натижаларнинг ишончлилиги беморлар ҳолатини баҳолашнинг объектив мезонлари, замонавий ташхисот ва даволаш усулларида фойдаланилганлиги, услубий ёндашувлар ҳамда статистик таҳлил жамланмаларининг тўғри қўлланилганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, олинган хулосалар ва таклифлар назарий аҳамиятга эга бўлиб, тимэктомияни ўтказиш учун мақбул йўлни танлашга дифференциал ёндашув имкониятига таъсир қилувчи ўсимта ўсишининг локализацияси, ҳажми ва табиатини ҳисобга олган ҳолда патологик жараённинг ривожланиш даражасини баҳолашнинг топографик мезонларини аниқлаш орқали миастеник синдромли тимомани хирургик йўл билан даволашни ривожлантиришга сезиларли ҳисса қўшиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, ташрихдан олдинги тайёргарлик сифатида тавсия этилган плазмаферез техникаси миастеник синдроми оғир бўлган беморларнинг сонини камайтиришга имкон бериши, ишлаб чиқилган даволаш-тактик алгоритм эса хирургик даволашнинг дифференциал танловини аниқлашга ва умуман олганда, хирургик асоратлар частотасини ҳам, ушбу тоифадаги беморларни даволаш ва реабилитация қилиш харажатларини ҳам камайтиришга имкон бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Миастеник синдромли тимома билан оғриган беморларни комплекс хирургик даволаш ва периператив олиб боришни такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқот натижалари асосида:

«Миастеник синдромли тимомани даволаш тактикасини танлаш дастури» ишлаб чиқилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 20 декабрдаги №08-09/20112-сон маълумотномаси). Такомиллаштирилган даволаш тактикаси ва периператив олиб бориш туфайли, асосий гуруҳда тимэктомиянинг бажарилишида ташрихларнинг «аъло натижалар» сонини қўпайтиришга имкон берган;

«Миастеник синдромли тимомани ташхислаш ва даволаш тамойиллари» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 20 декабрдаги №08-09/20112-сон маълумотномаси). Таклиф этилган даволаш-тактик алгоритм тимомани ва миастеник синдромли беморларни ташхисоти ва хирургик даволаш натижаларини яхшилашга имкон берган;

миастеник синдромли тимомани билан оғриган беморларни хирургик даволашни оптималлаштириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлашнинг амалий фаолиятига, жумладан, “Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази” ДМ ўпка ва кўкс оралиғи хирургияси бўлимига, Бухоро вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази хирургия бўлимига ва Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази Хоразм филиалига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 20 декабрдаги №08-09/20112-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижаларини жорий этиш тимоманинг жойлашишига ва миастения оғирлик даражасига қараб дифференциал ёндашув ва хирургик усулни танлашнинг тактик ва техник жиҳатларини стандартлаштиришга, бу эса ташрихдан кейинги асоратларни 22,3% дан 6% гача пасайтиришга, хирургик даволаш самарадорлигини оширишга ва беморларнинг шифохонада ётиш муддатини қисқартиришга имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, тадқиқот натижаларининг илмий янгилиги ва илмий-амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот натижаларининг апробацияси ва чоп этилган илмий ишлар, диссертациянинг ҳажми ва таркиби тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Миастеник синдромли тимомани ташхислаш, патогенези, клиник кўринишлари ва хирургик тактика муаммосининг замонавий ҳолати”** деб номланган биринчи бобида миастеник синдромли тимомани билан оғриган беморларни даволаш тактикаси муаммолари бўйича чуқур таҳлил, танқидий баҳолаш олиб борилган, илмий маълумотлар умумлаштирилган ва тизимлаштирилган, ечими талаб этилаётган долзарб

масалалар ўрганилган. Адабиётларни таҳлил қилиш натижасида ушбу масала бўйича ҳал қилинмаган вазифалар аниқланган.

Диссертациянинг **“Материалларнинг клиник тавсифи, тадқиқот усуллари ва лазер технологиялари шарҳи”** деб номланган иккинчи бобида клиник материаллар ва тадқиқотда қўлланилган усуллар тасвирланган. Тадқиқот ишига Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг ўпка ва кўкс оралиғи хирургияси бўлимида 1994 йилдан 2019 йилгача бўлган даврда миастеник синдромли тимома билан ташрих қилинган 291 нафар беморнинг бевосита натижаларини ўрганиш тажрибаси асос бўлган.

Таққослаш гуруҳини 1994 йилдан 2009 йилгача стационар даволанган 169 нафар бемор ташкил этди. Таъкидлаш лозимки, бу даврда хирургик тактикани танлашда дифференциал ёндашув қўлланилмаган. Ўсмалар ўлчами катта бўлганда, шунингдек, миастеник синдромнинг оғир шаклларида хирургик даволаш амалга оширилмаган ва беморлар кейинги консерватив даволаниш учун яшаш жойидаги невропатологга йўналтирилган. Шунингдек, бу даврда ташрих усули сифатида фақат бўйлама стернотомия амалга оширилган.

Асосий гуруҳга 2010 йилдан 2019 йилгача стационар даволанган 122 нафар бемор киритилган. Асосий гуруҳда миастения оғирлик даражаси, ўсма ўлчами, ташрих усули ва аралашув табиатидан келиб чиқиб даволаш тактикасини белгилашда дифференциал ёндашувдан фойдаланилган.

Беморлар умумий клиник ва махсус инструментал тадқиқот усулларини ўз ичига олган кенг қамровли текширувдан ўтказилган.

Диссертациянинг учинчи бобида **“Миастеник синдромли тимома билан оғриган беморларни ташхислаш ва ташрихдан олдинги тайёргарликнинг клиник-инструментал усуллари натижаларини баҳолаш”** ўтказилган. Миастениянинг клиник кўринишларига қараб асосий ва назорат гуруҳларида операцион даволашга киришишда оғирлик даражаси MGFA (Myasthenia Gravis Foundation of America – MGFA Jaretzki A., 2000) таснифи бўйича баҳоланган (1-жадвал).

Статистик таҳлил маълумотлари таққосланаётган гуруҳларда миастениянинг 1 ($\chi^2=0.38$, $p=0.54$), 2б ($\chi^2=1.59$, $p=0.21$), 3а ($\chi^2=0.65$, $p=0.42$) ва 4б оғирлик даражалари ($\chi^2=1.54$, $p=0.215$) бўйича ишончли фарқ йўқлигини кўрсатди. Таққослаш гуруҳида 2а оғирлик даражасидаги беморлар 42,6% ҳолат билан, асосий гуруҳдаги 14,7% ҳолатга қараганда сезиларли даражада ($\chi^2=25.72$, $p=0.0000004$) кўпроқ бўлган.

Асосий гуруҳда 3б оғирлик даражасидаги беморлар 31,1% ҳолат билан таққослаш гуруҳида 6,5% ҳолатга нисбатан ишончли кўпроқ бўлган ($\chi^2=30.72$, $p < 0.000001$), 4а оғирлик даражаси ҳам назорат гуруҳига нисбатан ишончли ($\chi^2=5.65$, $p=0.017$) юқори бўлган.

Албатта, энг катта қийинчилик миастениянинг 3-5 оғирлик даражаси билан оғриган беморларда акс этди, шу ўринда бундай беморлар асосий гуруҳда 70 (57,4%) нафарни ташкил этиб, таққослаш гуруҳидаги 36 нафар (21,3%) бемордан кўпроқ бўлган ($\chi^2= 39.82$, $p < 0.05$).

Миастеник синдром оғирлик даражаси

Миастения оғирлик даражаси	Таққослаш гуруҳи	Асосий гуруҳ	Жами	Ишончилилик
1	8(4,7%)	4(3,2%)	12(4,1%)	$\chi^2=0.38, p=0.54$
2а	72(42,6%)	18(14,7%)	90(31%)	$\chi^2=25.72, p=0.0000004$
2б	53(31,3%)	30(24,6%)	83(28,5%)	$\chi^2=1.59, p=0.21$
3а	22(13%)	20(16,4%)	42(14,4%)	$\chi^2=0.65, p=0.42$
3б	11(6,5%)	38(31,1%)	49(16,8%)	$\chi^2=30.72, p < 0.000001$
4а	1(0,6%)	6(5%)	7(2,4%)	$\chi^2=5.65, p=0.017$
4б	2(1,1%)	4(3,2%)	6(2%)	$\chi^2=1.54, p=0.215$
5	-	2(1,6%)	2(0,6%)	-
Жами:	169(100%)	122(100%)	291(100%)	

Шундай қилиб, асосий гуруҳда миастения оғир даражаси билан касалланган беморлар сезиларли даражада кўпроқ бўлган деган хулосага келиш мумкин.

Таъкидлаш лозимки, миастения оғирлик даражасининг ёш гуруҳлари бўйича тақсимланиши хусусияти таҳлил қилинганда, таққосланган гуруҳлардаги беморларнинг ёши ва жинси ўртасида миастеник бузилишларнинг оғирлигига ўзаро боғлиқлик ёки боғлиқлик белгилари аниқланмаган.

Компьютер томографияси таққослаш ва асосий гуруҳдаги барча беморларда амалга оширилган. Шу ўринда, ўсимта ўлчамларига кўра, беморлар қуйидагича тақсимланди: 5 см гача бўлган ўсмалар - 50 нафар (17,1%), 5 дан 10 см гача бўлган ўсмалар - 202 нафар (69,4%) ва 10 см дан катта ўсмалар - 39 нафар (13,4%).

Шунингдек, КТ текшируви натижасида аниқланган ўсма ўлчамлари ва миастеник синдромнинг оғирлик даражасига боғлиқ холда таҳлил ўтказилган (2-жадвал).

Жадвалдан кўриниб турибдики, ўсма ўлчами 10 см дан катта бўлганда, таққослаш гуруҳида 3а оғирлик даражаси 16,6%, асосий гуруҳда эса 20% ни ташкил этган. Ўсма ўлчами 5 см гача бўлганда таққослаш гуруҳида миастения 3а оғирлик даражаси 13,8%, асосий гуруҳда эса 23,8% ни ташкил этди.

Статистик таҳлил маълумотлари ўсма 5 см* гача бўлганда, ўлчамга боғлиқ холда миастениянинг оғирлик даражаси ишончсиз фарқ қилади - $\chi^2=6.229, df=7, p=0.5133$. Ўсма ўлчами 5 дан 10 см гача бўлганда миастения оғирлик даражаси ишончли фарқланади - $\chi^2=49.18, df=7, p<0.05$.

Миастения оғирлик даражасини 10 см дан катта ўсма ўлчамига боғлиқлигининг ишончилиги худди шундай таҳлил қилинганда, ишончли бўлмаган маълумотларни кўрсатди - $\chi^2=4.013, df=5, p=0.5475$.

Миастения оғирлик даражаси ва ўсманинг ўлчамлари таҳлили

Миастения оғирлик даражаси	Ўсма ўлчамлари						Жами
	5см гача*		5 дан 10см гача**		10см гача***		
	ГС	ОГ	ГС	ОГ	ГС	ОГ	
1	1 (3,4%)	2 (9,5%)	3 (2,5%)	1 (1,1%)	4 (16,6%)	1 (6,6%)	12 (4,1%)
2a	11 (38%)	3 (14,2%)	55 (47,4%)	13 (15,1%)	6 (25%)	2 (13,3%)	90 (31%)
2б	10 (34,4%)	6 (28,5%)	34 (29,3%)	18 (21%)	9 (37,5%)	6 (40%)	83 (28,5%)
3a	4 (13,8%)	5 (23,8%)	14 (12%)	12 (14%)	4 (16,6%)	3 (20%)	42 (14,4%)
3б	1 (3,4%)	2 (9,5%)	9 (7,7%)	34 (39,5%)	1 (4,1%)	2 (13,3%)	49 (16,8%)
4a	1 (3,4%)	1 (4,7%)	-	4 (4,6%)	-	1 (6,6%)	7 (2,4%)
4б	1 (3,4%)	1 (4,7%)	1 (0,8%)	3 (3,4%)	-	-	6 (2%)
5	-	1 (4,7%)	-	1 (1,1%)	-	-	2 (0,6%)
Жами:	29 (58%)	21 (42%)	116 (57,4%)	86 (42,5%)	24 (61,5%)	15 (38,4%)	291 (100%)
Жами:	50(100%)		202(100%)		39(100%)		

Ташрихдан олдинги тайёргарлик.

Медикаментоз терапия. Аксарият, яъни 111 нафар (38,1%) беморлар монотерапияда прозерин қабул қилишди, таққослаш гуруҳидаги 76 нафар бемор (45%) ва асосий гуруҳидаги 35 нафар бемор (28,6%). Монотерапияда калимин 56 нафар беморга тайинланди (18,2%), уларнинг 20 нафари (11,8%) таққослаш гуруҳидан ва 36 нафари (29,5%) асосий гуруҳдан. Монотерапияда преднизолон 6 нафар (2%) беморда қўлланилди, 4 нафари (2,3%) таққослаш гуруҳидан ва 2 нафари (1,6%) асосий гуруҳдан.

Прозерин ва преднизолонни бирга 42 нафар (14,4%) бемор, калимин ва преднизолон бирикмасини 35 нафар (12%) бемор қабул қилган. Иккита препарат АХЭ комбинацияси, калимин ва прозеринни 20 нафар бемор қабул қилган (6,8%), улардан 12 таси (7,1%) таққослаш гуруҳидан ва 8 таси (6,5%) асосий гуруҳдан. 12 нафар (4,1%) беморда преднизолон, калимин ва прозеринни ўз ичига олган схемадан фойдаланилди, уларнинг 9 нафари (5,3%) таққослаш гуруҳидан ва 3 нафари (2,4%) асосий гуруҳдан.

Гуруҳларда ўтказилган медикаментоз терапия натижалари 3-жадвалда келтирилган.

Плазмаферез. Касалликнинг кучайиши ва миастеник оғирликда миастеник бузилишлар АХЭП ва гормонлар билан йўқ қилинмаганда плазмаферез қўлланилди. Плазмаферез, шунингдек, беморларни

тимэктомияга комплекс тайёрлашда ҳам фойдаланилди. Ушбу муолажа кондан тегишли антитаначаларни, шу жумладан миастения патогенезида асосий омил бўлувчиларини элиминациясига ёрдам беради.

3-жадвал

Гуруҳларда медикаментоз терапиянинг самарадорлиги

Таъсир	Таққослаш гуруҳи	Асосий гуруҳ	Жами
А таъсир	103(61%)	78(64%)	181(62,2%)
В таъсир	53(31,3%)	22(18%)	75(25,7%)
С таъсир	8(4,7%)	12(9,8%)	20(6,8%)
Д таъсир	5(3%)	10(8,2%)	15(5,1%)
ЖАМИ:	169(100%)	122(100%)	291(100%)

Аксарият ҳолларда тахминан икки литр ҳажмдаги алмаштирилган плазма билан 1-4 курс плазмаферез ўтказилди. 291 нафар беморнинг 127 нафариди плазмаферез амалга оширилган бўлиб, бу 43,6% ни ташкил этди, 164 нафариди эса (56,3%) эфферент терапия амалга оширилмади. Ташрихдан олдин плазмаферез амалга оширилмаган барча 164 нафар бемор таққослаш гуруҳидан бўлишган. Ташрихдан олдинги тайёргарлик сифатида таққослаш гуруҳида фақат 5 нафар беморда эфферент терапия ўтказилди, бу 3% ни ташкил этди. Шу билан бирга асосий гуруҳда даволаниш тактикасидаги ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда, барча беморларга плазмаферез ўтказилди.

Медикаментоз терапия ва плазмаферез амалга оширилганидан сўнг биз даволашгача ва даволашдан кейинги миастеник синдром оғирлик даражасини қайта таҳлил қилдик. Бунда 1 ва 2 оғирлик даражасидаги беморлар сони ошгани ва 3а дан бошлаб 5-оғирлик даражасигача бўлган беморлар сони камайгани аниқланди.

Умуман олганда, плазмаферезни қўллаш билан даволашдан сўнг, деярли барча беморларда АХЭПни қабул қилишда ҳаракат функцияларининг яхшиланиши кузатилди. Бу, айниқса, медикаментоз ва эфферент терапиянинг комбинацияси қўлланилган асосий гуруҳнинг натижаларида аниқ кўринади.

Диссертациянинг тўртинчи бобидида **“Тимомани хирургик даволаш натижалари”** келтирилган. Ушбу тадқиқотга киритилган 291 нафар беморнинг 242 нафариди хирургик даволаш ўтказилди, бу 83,1%ни ташкил этди ва 49 бемор ташрихсиз шифохонадан чиқарилди, бу эса 16,8%ни ташкил этди, таққослаш гуруҳида 143 нафар (84,6 фоиз) бемор ташрих қилинган ва 26 нафари (15,3 фоиз) ташрихсиз шифохонадан чиқарилган. Асосий гуруҳда 99 нафар бемор (81,1%) ташрих қилинган ва 23 нафар (18,8%) бемор ташрихсиз шифохонадан чиқарилди. Таққосланаётган гуруҳлар ишончли тарзда фарқланишмаган ($\chi^2 = 0.61$, $p = 0.44$), яъни репрезентатив бўлган.

Миастеник синдромли тимомани билан оғирган беморларда рационал хирургик тактикани аниқлаш. Иккала гуруҳдаги барча ташрих қилинган беморларда хирургик аралашув ҳажми бир хил бўлган - атрофдаги ёғ тўқимасини олиб ташлаш билан кенгайтирилган тимэктомия. Таққосланган гуруҳларда операцион кириш йўлини танлашга ёндашув фарқ қилган. Агар

таққослаш гуруҳида ўсманинг жойлашуви, ўлчами ва ўсиш хусусиятларидан қатъи назар, хирургик кириш йўл сифатида фақат бўйлама стернотомия қўлланилган бўлса, асосий гуруҳда хирургик кириш йўли ўсма ўлчамига, унинг тўшга нисбатан ўнг ёки чап томонга ўсишига ҳамда МСКТ маълумотларида инвазив ўсиш мавжудлигига қараб танланди. Операцион кириш йўлини танлашда қуйидаги белгиларга таяндик:

1. 5 см гача бўлган ўсмада ва атрофидаги аъзо ҳамда тўқималарга инвазия мавжуд бўлмаганда видеоторакоскопик тимэктомияни амалга ошириш мумкин.

2. 5-10см ўлчамдаги ўсмаларда инвазив ўсиш мавжудлигидан қатъий назар операцион кириш министротомиядан амалга оширилади.

3. 10см ва ундан катта ҳажмдаги ўсмаларда тўшга нисбатан ўнг ёки чап томонга ўсишидан келиб чиқиб ўнг ёки чап томонлама торакотомия амалга оширилади, шунингдек, бўйлама стернотомия ҳам ўтказилиши мумкин.

Асосий гуруҳда бўйлама стернотомия фақат текширишда ўсманинг номсиз вена томирига инвазияси мавжудлигида қўлланилган. Беморларни қўлланилган операцион кириш йўлига кўра тақсимланиши 4-жадвалда келтирилган.

4-жадвал

Беморларни қўлланилган операцион кириш йўлига кўра тақсимланиши

Хирургик кириш йўли	Таққослаш гуруҳи	Асосий гуруҳ	Жами
Ёнбош чап томонлама торакотомия	-	15(15,1%)	15(6,2%)
Ёнбош ўнг томонлама торакотомия	-	12(12,1%)	12(5%)
Бўйлама стернотомия	143(100%)	30(30,3%)	173(71,5%)
Мини Т-симон стернотомия	-	28(28,3%)	28(11,6%)
Чап гемитораксдан ВТС	-	4(4%)	4(1,6%)
Ўнг гемитораксдан ВТС	-	10(10,1%)	10(4,1%)
Жами	143	99	242(100%)

Интраоперацион асоратлар. Интраоперацион асоратлар таҳлил қилинганда қуйидаги натижалар олинди: таққослаш гуруҳида 126 нафар (88,1%) беморда интраоператив асоратлар кузатилмади, 17 нафар (11,8%) беморда ташрих давомида маълум интраоператив асоратлар кузатилган. Асосий гуруҳда интраоператив асоратлар кузатилмаган беморлар сони 94 нафарни (95%) ташкил этди. Ташрих вақидаги асоратлар 5 нафар беморда аниқланиб, 5%ни ташкил этди. Интраоператив асоратлар табиатига кўра кузатувларимизда қуйидагича бўлди: юрак шикастланиши – 2 нафар беморда (0,8%), кўндаланг томир шикастланиши – 3 нафар (1,2%), перикард шикастланиши – 6 нафар беморда (2,5%), диафрагмал нерв шикастланиши – 3 нафар (1,2%), қовурға синиши – 1 нафар (0,4%), ўпка шикастланиши – 6 нафар (2,5%) ва диафрагма шикастланиши 1 нафар (0,4%) беморда.

Интраоператив асоратлар хусусиятига кўра таққосланган гуруҳлар ишончли фарқланмаган ($\chi^2=3.31$, $p=0.07$).

Ташрихлар давомийлиги. Таққосланаётган гуруҳларда ташрих давомийлигига кўра тақсимлаш қуйидагича: 60 дақиқагача – 13 та бемор (5,3%), 60-120 дақиқа – 77 та ҳолат (31,8%), 12-180 дақиқа – 134 та ҳолат (55,3%) ва 180 дақиқадан юқори – 18 нафар (7,4%) беморда. Тажриба тўплаш ва адекват операцион киришни танлашга дифференциал ёндашув асосий гуруҳда ташрих давомийлигини қисқартиришга имкон берди. Асосий гуруҳда ўртача ташрих давомийлиги қарийб 50% беморларда 1 соатдан 2 соатгачани ташкил этган. Шунингдек, таққослаш гуруҳида аксарият 101 нафар (70,6%) беморда ташрих вақти 2 соатдан 3 соатгачани ташкил этди. Шунингдек, асосий гуруҳда ташрих давомийлиги 1 соатни ташкил этган беморлар сони ошгани эътибони тортади, яъни 13 нафар беморда (13,1%). Таққослаш гуруҳида бундай ҳолат қайд этилмаган.

Гистологик тадқиқот. Тимус безининг яхши сифатли ўсмалари сони 119 тани (49,1%) ташкил этган бўлиб, уларнинг 83 (58%) нафари таққослаш гуруҳидаги ва 36 (36,3%) нафари асосий гуруҳдаги беморларни ташкил этган. Ёмон сифатли ўсмалар 123 нафар (50,8%) беморда ташхисланган бўлиб, уларнинг 60 (42%) нафари таққослаш гуруҳидаги ва 63 нафари (63,6%) асосий гуруҳдаги беморларни ташкил этган.

Ноинвазив ўсма ўсиши 119 нафар беморда кузатилган бўлиб, 49,1%ни ташкил этди. Шу ўринда таққослаш гуруҳида тўлиқ инкапсуляцияланган ўсма 58% ҳолатда, асосий гуруҳда эса 36,3% беморларда ташхислан. 123 беморда минимал инвазияни ўз ичига олган инвазив ўсма ўсиши аниқланди, бу 50,8%ни ташкил этди.

Хирургик даволашнинг бевосита натижалари.

Бевосита натижаларни баҳолашда биз нафақат ташрихнинг ўзи билан боғлиқ ташрихдан кейинги асоратларни, балки ташрихдан кейин экстубация вақти, ўпканинг узоқ муддатли сунъий вентилизациясининг давомийлиги, трахеостомия қўйиш, ташрихдан кейинги даврда миастеник ўта оғирликнинг ривожланиши, ташрихдан кейинги даврда медикаментозли терапия ва плазмаферезнинг самарадорлиги каби параметрларни ҳам ҳисобга олдик.

Ташрихдан кейинги асоратлар. Таққослаш гуруҳида асоратлар кузатилмаган беморлар 111 (77,6%) нафарни ташкил этди ва 32(22,3%) нафарида ташрихдан кейинги асоратлар мавжуд бўлган. Асосий гуруҳда, шифохонадан асоратларсиз чиқарилган беморлар сони 93 (94%) нафарни ташкил этган, асоратлар эса 6 (6%) нафар беморда кузатилган. Асосий гуруҳ беморларида ташрихдан кейинги асоратлар таққослаш гуруҳига нисбатан ($\chi^2=11.77$, $p<0.05$) ишончли равишда кам бўлган.

Таққослаш гуруҳида ташрихдан кейинги асоратлар орасида жароҳат йиринглаши энг кўп – 10 (7%) нафар беморда учради, иккинчи ўринда пневмоторакс – 8 (5,6%) нафар беморда, тўш суяги остеомиелити ва ташрих жароҳатидан қон кетиши – 5 (3,5%) нафар ва 4 (2,8%) нафар беморда айрисимон без ўриндигидан қон кетиши кузатилди. Асосий гуруҳда энг кўп учраган асорат олиб ташланган айрисимон без ўриндигидан қон кетиши

бўлиб, у 2(2%) нафар беморда кузатилди. Ташрихдан кейинги жароҳат йиринглаши 1 та (1%) ҳолатда, қовурға остеомиелити 1 нафар (1%) беморда, пневмоторакс 1 та (1%) ҳолатда, жароҳатдан қон кетиши 1 та (1%) ҳолатда кузатилди. Таққослаш ва асосий гуруҳларда аниқланган барча ташрихдан кейинги асоратлар консерватив чоралар билан бартараф этилган ва такрорий ташрих аралашувини талаб этмаган.

Медикаментоз терапия ва ташрихдан кейинги даврда плазмаферез.

Ташрихдан кейинги даврда инфузион, антибактериал, анальгетик ва стандарт антикоагулянт муолажадан ташқари беморларга албатта миастения мавжудлигидан қатъий назар АХЭП терапияси ўтказилди. Муолажа дозаси ва неча марта қабул қилиниши индивидуал танланди. ГКС ташрихдан кейинги даврда фақатгина миастения пайдо бўлганда ва миастения симптомлари динамикада ривожлангани аниқланганда қўлланилди.

Таққослаш гуруҳида 1 сеанс плазмаферез 3 нафар (2%), 2 сеанс 8 нафар (5,6%), 3 сеанс 3 нафар (2%) ва 5 сеанс 2 нафар (1,4%) беморда амалга оширилди. Аввалроқ таъкидланганидек, таққослаш гуруҳидаги 127 нафар беморда (88,8%) плазмаферез қилинмади. Асосий гуруҳда, 1 сеанс 23 нафар (23,2%) беморда, 2 сеанс 31 нафар (31,3%), 3 сеанс 41 нафар (41,4%) ва 5 сеанс 4 нафар (4%) беморда ўтказилди.

Ўтказилган тимэктомия самарадорлигини баҳолаш.

Тимэктомия самарадорлиги А. Кейнес (1949 й.) шкаласи бўйича баҳоланди:

А гуруҳи (аъло натижалар) - йўқотилган функциялари тўлиқ тикланган, меҳнатга лаёқатли, миастения бўйича ҳеч қандай муолажа талаб қилмайдиган беморлар;

В гуруҳи (яхши натижалар) - ташрихдан кейин аҳволи АХЭ дори воситаларини қабул қилиш (доза ташрихгача бўлган даврдан 2 баравар кам) ёки стероид дорилар билан даволаш пайтида, уларни қабул қилишнинг камайиши туфайли яхшиланган беморлар;


С гуруҳи (қониқарли натижалар) - АХЭ дориларининг дозасини бироз пасайтириш ёки юқори дозада кортикостероидларни қабул қилиш билан ҳар қандай яхшиланиш даражасида аҳволнинг бироз яхшиланиши;

Д гуруҳи (ёмонлашиш) - тимэктомия таъсири мавжуд эмаслиги, миастения ривожланиши;

Е гуруҳи – ташрихдан кейинги турли муддатларда ўлим натижалари.

Медикаментозли терапия ва эфферент терапиянинг мажбурий комбинациясини ўз ичига олган ташрихдан олдинги тайёргарлик туфайли оптимал хирургик кириш йўлини танлаш ташрих жароҳати, ташрих давомийлиги ва наркоз, шунингдек ташрихдан кейинги парваришни минималлаштиришга имкон берувчи, жумладан, синдромал терапиядан ташқари АХЭП ва ГКС препаратларини қабул қилиш, шунингдек, мажбурий плазмаферезни амалга ошириш асосий гуруҳдаги "аъло натижалар" сонини 62 тага (62,6%) кўпайтиришга имкон берди, бу таққослаш гуруҳидаги худди шундай кўрсаткичдан 54 (37,7%) деярли икки баравар юқори. Таққослаш гуруҳида яхши натижаларга 52 та ҳолатда (36,3%), асосий гуруҳда 32 та

холатда (32,3%) эришилди. Қониқарли натижалар таққослаш гуруҳида 27 (18,8%) нафар беморда қайд этилди, асосий гуруҳида уларнинг сони 5 нафаргача (5%) камайган. Аҳволнинг ёмонлашиши таққослаш гуруҳида 9 нафар (6,3%) беморда қайд этилди ва 1 нафар бемор вафот этган бўлиб, бу кўрсаткич 0,7%ни ташкил этди. Асосий гуруҳида бундай кўрсаткич аниқланмади.



1-расм. Даволаш-тактик алгоритм

Миастеник синдромли тимома билан оғриган беморларни текшириш ва даволаш натижалари асосида биз оптимал даволаш-тактик алгоритм ишлаб чиқдик (1-расм). Таклиф этилган алгоритм даволаш тактикасини аниқ белгилашга имкон беради.

ХУЛОСА

1. Миастеник синдром тимома билан оғриган беморларда энг хавфли кўриниш бўлиб қолмоқда. Таққослаш гуруҳида II даража оғирликдаги миастеник синдромли беморлар сони ишончли равишда кўп бўлди ($p < 0.0000001$) – 125 нафар (74%), шунингдек, асосий гуруҳда III даражадаги оғирлик ($p = 0.0000004$) – 58 нафар (47,5%) ва IV даражадагиси – 12 нафар (9,8%) билан касалланган беморлар ишончли тарзда кўп бўлишган, $p = 0.002$. Тимома диагностикасининг энг информацион тадқиқот усули бу МСКТ бўлиб, у ўсимта ҳажмини, ўрта чизикқа нисбатан ўсиш хусусиятини, шунингдек, ўсманинг атрофдаги органлар ва тўқималарга кириб бориши ҳамда даражасини баҳолаш имконини беради. Ўсма ўлчами ва миастеник синдром оғирлик даражаси ўртасидаги боғлиқликни таҳлил қилишда фақат ўсимта ўлчами 5 дан 10 см гача бўлган беморларда ишончли статистик фарк ($\chi^2 = 49.18$, $df = 7$, $p < 0.05$) аниқланди.

2. Ташрихдан олдинги тайёргарлик сифатида плазмаферез ўтказиш кўшимча медикаментозли терапияни қамраб олувчи самарали усул ҳисобланиб, асосий гуруҳда миастеник оғир шакли билан касалланган беморлар сонини 57% дан 38%га ишончли тарзда камайтириш имконини берди. Медикаментозли муолажани плазмаферез билан бирга олиб бориш асосий гуруҳда миастениянинг енгил шакли билан оғриган беморлар сонини 42% дан 63% га ишончли оширишга ($p < 0.05$) ва ташрихдан кейинги даврда миастеник оғирлик ривожланиши сонини таққослаш гуруҳида 30,8% дан асосий гуруҳда 16,2%гача ($\chi^2 = 6.7$, $p = 0.01$) камайтириш имконини берди.

3. Стернотомияга киришда интраоператив асоратларнинг частотаси ва табиатини таҳлил қилиш таққосланган гуруҳлар ўртасида сезиларли фаркни кўрсатмади ($\chi^2 = 3.31$, $p = 0.07$). Таққослаш гуруҳида уларнинг сони 11,8%, асосий гуруҳда эса 5% ни ташкил этди. Ташрихдан кейинги асоратлар ривожланиш частотасини таҳлил қилишда асосий гуруҳда 6 нафар (6%) беморда ташрихдан кейинги асоратлар таққослаш гуруҳига қараганда 32 нафар (22,3%) ишончли кам бўлган ($p < 0.05$). Ташрихдан кейинги асоратларни структуравий таҳлил қилиш ташрихдан кейинги жароҳатнинг йиринглаши каби асоратларнинг сезиларли даражада ошганини кўрсатди: таққослаш гуруҳидаги 10 нафар (7%) беморда ва асосий гуруҳдаги 1 нафар (1%) беморда ($p = 0,03$) ва пневмоторакс – таққослаш гуруҳида 8 нафар (5,6%) ва асосий гуруҳда 1 нафар (1%) беморда ($p = 0,064$).

4. Оптимал хирургик усулни танлаш ўсманинг ўлчами ва инвазив ўсиш мавжудлигига боғлиқ. 5 см гача бўлган ўсмаларда ва атрофдаги органлар ҳамда тўқималарга инвазия мавжуд бўлмаса, видеоторакоскопик тимэктомия амалга ошириш мумкин. 5-10 см ўлчамдаги ўсмалар учун, инвазив ўсиш мавжудлигидан қатъи назар, хирургик министротомия орқали амалга оширилади. 10 см ва ундан катта ўлчамдаги ўсмаларда кўкрак қафасининг ўнг ёки чап томондан ўсишига қараб, хирургик кириш ўнг ёки чап торакотомиядан амалга оширилади ва бўйлама стернотомия ҳам амалга оширилиши мумкин.

Бўйлама стернотомия текширишда номсиз вена инвазияси ташхисланган барча ҳолларда амалга оширилади.

5. Беморларнинг 14 нафарида амалга оширилган видеоторакоскопик тимэктомия каминвазив ва кам шикастли аралашув бўлиб, у чап ва ўнг гемитораксдан ҳам амалга оширилиши мумкин, хирургик жароҳатни ва шунга мос равишда ташрихдан кейинги даврда ташрих жароҳати ва мос равишда оғриқ синдромини камайтириш имконини беради. Бироқ, бу турдаги аралашув амалга ошириш қатъий кўрсатмаларга эга. Хирургик малака ошиши билан ушбу аралашув учун кўрсатмаларни кенгайтириш мумкин.

6. Такмиллаштирилган даволаш тактикаси ва периоператив олиб бориш сабаб тимэктомияни амалга ошириш асосий гуруҳдаги «аъло натижалар» сонини 62 тага (62,6%) оширишга имкон берди, бу таққослаш гуруҳидагидан 54 нафар ҳолатдан (37,7%) деярли икки баравар юқори.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/30.12.2019.Tib.49.01
ПРИ РЕСПУБЛИКАНСКОМ СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОМ
НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОМ МЕДИЦИНСКОМ ЦЕНТРЕ ХИРУРГИИ
ИМЕНИ АКАДЕМИКА В.ВАХИДОВА ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ**

**РЕСПУБЛИКАНСКИЙ СПЕЦИАЛИЗИРОВАННЫЙ НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКИЙ МЕДИЦИНСКИЙ ЦЕНТР ХИРУРГИИ ИМЕНИ
АКАДЕМИКА В.ВАХИДОВА**

АМОНОВ БАХРОМ БАХОДИРОВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ КОМПЛЕКСНОГО ХИРУРГИЧЕСКОГО
ЛЕЧЕНИЯ И ПЕРИОПЕРАТИВНОГО ВЕДЕНИЯ БОЛЬНЫХ С
ТИМОМОЙ С МИАСТЕНИЧЕСКИМ СИНДРОМОМ**

14.00.27 – Хирургия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №В2018.1.PhD/Tib510.

Диссертация выполнена в Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре хирургии имени академика В.Вахидова.

Автореферат диссертации на двух языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.rscs.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель: Худайбергенов Шухрат Нурматович
доктор медицинских наук

Официальные оппоненты: Беркинов Улугбек Базарбаевич
доктор медицинских наук, профессор
Юсупбеков Аброрбек Ахмаджонович
доктор медицинских наук, профессор,

Ведущая организация: ГБУЗ «Научно-исследовательский институт - Краевая клиническая больница №1 имени профессора С.В. Очаповского» министерства здравоохранения Краснодарского края (Российская Федерация)

Защита диссертации состоится « ____ » _____ 2022 г. в ____ часов на заседании Научного Совета DSc.27.06.2017.Tib.49.01 при Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре хирургии имени академика В.Вахидова и Ташкентской медицинской академии (Адрес: 100115, г.Ташкент, ул.Кичик халка йули,10. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42; e-mail: cs.75@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Республиканского специализированного научно-практического медицинского центра хирургии имени академика В.Вахидова (зарегистрирована за №133). Адрес: 100115, г.Ташкент, ул. Кичик халка йули, 10. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42.

Автореферат диссертации разослан « ____ » _____ 2022 года.
(реестр протокола рассылки № _____ от _____ 2022 года).

Ф.Г. Назиров
Председатель научного совета по присуждению ученых степеней,
доктор медицинских наук, профессор,
академик

А.Х. Бабаджанов
Ученый секретарь научного совета по присуждению
ученых степеней, доктор медицинских наук

Р.А. Ибадов
Председатель научного семинара при научном совете по
присуждению ученых степеней,
доктор медицинских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. По данным Всемирной организации здравоохранения на 2020 год «опухоль вилочковой железы (тимомы и рак тимуса) - редкое заболевание, которое относится к опухолям средостения с частотой встречаемости в структуре онкологических заболеваний не более 1%. В свою очередь среди всех новообразований органов переднего средостения на долю тимом приходится до 50% всех случаев»¹. Среди различных клинико-патогенетических вариантов прогрессирования тимом наиболее сложным в плане тяжести течения и выбора оптимальной тактики лечения является развитие на фоне тимомы миастенического синдрома. Сочетание этих факторов наблюдается у 30-50% пациентов. Миастения характеризуется мышечной слабостью, вызывающей потенциально смертельный паралич дыхания. «Даже на фоне своевременного лечения с включением инфузии иммуноглобулинов, плазмафереза и иммуноадсорбции, внутрибольничная летальность остается на уровне 12%. Основной причиной смерти был сепсис с полиорганной недостаточностью»². Отсутствие единых тактических принципов с возможностью выбора оптимальных составляющих для комплексного подхода к хирургическому лечению тимом с миастеническим синдромом свидетельствует об актуальности данного исследования.

В мировой практике в настоящее время наиболее актуальными исследованиями остаются вопросы по выявлению особенностей распространения опухолевого процесса, путей его метастазирования, уровня разобщения и резекции пораженного органа, примененного шовного материала и других причинно-следственных факторов. Продолжается поиск решений в отношении профилактики рецидива заболевания, изучаются проблемы совершенствования дифференцированной хирургической тактики лечения данной категории больных.

На современном этапе развития отечественного здравоохранения проводится множество мер, направленных на улучшение результатов и существенное расширение диапазона оказываемой населению медицинской помощи, в частности, в улучшении качества диагностики и лечения больных с тимомами за счет внедрения современных технологий. В стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы поставлены задачи по развитию и усовершенствованию системы медико-социальной помощи уязвимым категориям населения для обеспечения их полноценной жизнедеятельности³. Реализация данных задач, в том числе, улучшение результатов лечения

¹ Барболина Т.Д., Бычков М.Б., Аллахвердиев А.К., Борисова Т.Н., Владимирова Л.Ю., Герасимов С.С. и соавт. Практические рекомендации по лекарственному лечению опухолей вилочковой железы (тимомы и рака тимуса). Злокачественные опухоли: Практические рекомендации RUSSCO #3s2, 2020 (том 10).35

² Neumann B, Angstwurm K, et al. Myasthenic crisis demanding mechanical ventilation: A multicenter analysis of 250 cases. *Neurology*. 2020 Jan 21;94(3):e299-e313. doi: 10.1212/WNL.0000000000008688. Epub 2019 Dec 4. Erratum in: *Neurology*. 2020 Apr 21;94(16):724. Schneider, Haucke [corrected to Schneider, Hauke].

³ Указ Президента РУз от 07.02.2017 г. N УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан». Сборник законодательных актов.

больных с тимоматами путем совершенствования тактики, разработки и внедрения новых методов миниинвазивного и хирургического лечения, является одним из актуальных направлений.

